

Христиан динида фирқаларга ажралиш (тўртинчи мақола)



19:34 / 26.07.2020 1943

Ал-Маликания (Католик) мазҳаби

Бу мазҳаб Рим черкови эътироф этганидек, илоҳлик ва инсонлик табиатини ўзида жамловчи эътиқодга эга мазҳабдир. Бу борада 451 йилда Калкедондаги йиғилишда қарор қабул қилинган. Бу эътиқод юқорида ҳам зикр қилинганидек, Исо алайҳиссаломнинг инсон бўлиб туғилиб, кейинчалик илоҳлик табиатига эга бўлганлигига эътиқод қилувчи настурийлардан таъсирланган. Лекин бу мазҳаб, настурийлардан Исо алайҳиссаломнинг икки табиатга эга бўлган ҳолда туғилган, деб тушинишлари билан ажралиб турадилар. Зеро; Исо Отаси билан илоҳлик, инсонлар билан эса инсонийлик табиатига киради. Бу нарса икки табиат кўринишида бўлса-да, асл жавҳар бирдир. Бу йиғилишга мамлакат

подшоҳи ҳам ташриф буюрганлиги сабабли ҳам Маликаниа деб номланган.

Бу мазҳабнинг черковлари Византиянинг асосий кучини ташкил этган. Маликаниа Сурия, Миср ва Фаластинда кенг ёйилган. Америка Қўшма Штатларида ҳам бу мазҳабнинг анчагина мансублари мавжуд. Черковларининг Византияда каттагина нуфузга эkanлиги сабабли бу черковлар Рим черковлари, деб ҳам номланган.

Islom.uz портали таҳририяти